

Атадим “Қутадғу билиг” китобим,

Саодат бахш этгай назмий хитобим.

Сўзларим сўзладим, ҳосияти мўл,

Икки жаҳон сари очгай равон йўл.

Икки жаҳон бахтин топса гар инсон,

Армони қолмас ҳеч, сўзим бегумон.

Қунтуғди хон-Ҳокон сўзим аввали,

Сабабин айтарман келганда гали.

Таърифин битарман Ойтўлдини хам,

Шарофати билан мунаввар олам.

Кунтуғди шаханшоҳ - холис адолат,

Ойтўлди вазири - бахту саодат.

Битганман васфини Ўғдулмишни хам,

Заковат билан ҳар одам мухтарам.

Ўзгурмиш ҳақида хам бор ақида,

Офият, хотири жамлик хакида.

Тўрт омил бобида равон айтдим сўз,

Анғласанг, бахтинг бут, бисёр ризку рўз.

Севинчи барқарор, эй эзгу йигит,

Бор вужудинг билан каломим эшит.

Гайрат кил, адашма ҳеч равон йўлдан,

Ганимат хар онинг, чиқарма қўлдан.

Ўйигитлик қадрин бил, албатта, кетар,

Ҳаётинг қўз очиб-юмгунча ўтар.

Белинга то бисёр раста қуч-қувват,

Бахш эт эзгуликка сохибмурувват.

Хотирлаб ёшлигим пушаймон ўзим,

Ва лекин ҳеч қандай наф бермас сўзим.

Ёши қирк довондан ўтган ҳар киши,

Ўйигитликка видо айтиш, бас, иши.

Нихоят менинг ҳам эллиқда ёшим,

Қор қаби оқарди қоп-қора бошим.

Олтмиш сари мен ҳам ташладим қадам,

Ўлим панд бермаса етарман илдам.

Ёши олтмишдаги бошида ташвиш,

Армон бор халоват, ёзи мисли киш.

Ўттиз ёш оташин эллиқ қилди қул,

Олтмиш ёшда холим не кечар бутқул?

Не қилдим, эй эллик ёшим, мен сенга,

Не боис қасдлашдинг бунча ҳам менга.

Йигитликда завкли-тотли ҳар ишим,

Энди эса оғу ичар об-ошим.

Қаддим ўқдай равон, қалбим ёйдай шай,

Эвоҳ, қўнглим ўқдай, қадду бастим - ёй.

Йигитлик неники бахш этди менга,

Қариллик махв этди, у қелгай сенга.

Аё олампадох, падохингга ол,

Асирман қисматга, ох, бечорахол.

Қишансиз чалишар, оғир оёғим,

Хира тортган нурсиз қўзим-қарогим.

Армон бор фароғат, сўнди қалб ўти,

Йирок, во қаригки, йигитлик оти.

Бедор бўл, қария, заволинг кутгин,

Бесамар кунларинг азасин тутгин.

Бехуда совурдинг давру давронинг,

Тоат қил, ганимат хар лахза-онинг.

Беармон Рахмоним, то абад тирик,

Заволдан холимас қичигу йирик.

Муножотим аччик фузундан-фузун,

Гариб бу бандангга умр бер узун.



Сендан қувват талаб бошладим дoston,

Ё Раб, нијатимни қилгайсан равон.

Саною ҳамд айтгум сенга тинмасдан,

Омонлик бергайсан хар тубан қасдан.

Саралаб яратди, қалбим қарогон,

Эъзозлаб бошлади йўл узра равон.

Зулматдан қутқариб, ёритди туним,

Саодат-толега пайваста қуним.

Адашган бандага кўрсатди У йўл,

Завол топар эдим гар бермаси кўл.

Саралаб эъзозлаб, кўтарди, не бахт,

Хатолар йўлидан чиқарди, не бахт!

Кўнгил ва кўз берди, ақл ва билим,

Унинг лутфи билан бийрондир тилим.

Юрагим беъади саодат билан,

Тилим ҳам беъади шаходат билан.

Ҳабиб Расул йўли бахту қамолим,

Шафоти билан азиз аъмолим.

Бахту саодатим Эгам фазлидан,

Азиз қилди мендай қулин азмидан.

Шукрин чин қўнғилдан самимий ўтай,

Беадад шукрона басма-бас айтай.

Илохо, ожизман, рахм қил менга,

Алам-хасратларим айтарман сенга.

Ўзинг қўлласанг мени, эй Рахмон,

Ибодатим раво бўлмоғи гумон.

Равон йўлингдан ҳеч чиқарма мени,

Сира ечма мендан имон тўнини.

Танимдан чиқарда ширин бу жоним,

Имонга ёр айла энг сўнгги оним.

Қора ер қаридан жой олсам танҳо,

Раҳматинг бошимга ёғдир бебаҳо.

Ибодатсиз қулман бисёр гуноҳим,

Ўзинг фазлинг билан кечир, Илоҳим.

Барча мўминларни “Бандам!” деб Раҳмон,

Боқий фароғатдан бу қун бер нишон.